UZINVEST.UZ

Юкори даромадли лойихларга химояланган инвестициялар


КЕРАКЛИ БЎЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ МИҚДОРИ:
$266 000

ЙИЛЛИК СОФ ФОЙДА:
$203 400

ИНВЕСТИЦИЯ САРМОЯСИНИНГ РЕНТАБЕЛЛИГИ:
61%

Лойиҳа бўйича қўшимча маълумот олиш учун:
+99898 338 93 33
+99890 925 96 81

info@uzinvest.uz



ЛОЙИХА № 1991
КОВОРКИНГ МАРКАЗИ

Лойиханинг махсади: Лойиҳа муаллифи анъанавий офис майдонидан ташқарига чиқадиган коворкинг маркази ғоясини тақдим этмоқда. Бу шундай бир маконки, унда мутахассислар, стартаплар ва ижодкор шахслар ишлаши, ғоялар алмашиши ва ўсиши мумкин. Лойиҳа қулай офислар, ҳамкорлик зоналари, анжуманлар заллари, дам олиш учун яшил бурчаклар ҳамда самарадорлик ва ижодкорликни рағбатлантирувчи махсус майдонларни ўз ичига олади.
Марказ майдони **1200 м²** бўлиб, бино 1-2 қаватни эгаллайди. Бозор ва рақобатчилар таҳлил қилинган, бино танланиб, лойиҳа ишлаб чиқилган.

Сўнгги икки йил ичида таълим, дизайн, архитектура ва бошқа соҳаларда кичик компанияларнинг пайдо бўлиши туфайли офисларни ижарага олишга бўлган талаб сезиларли даражада ошди. Бироқ, одатий офис майдонлари уларнинг қулайликка бўлган эҳтиёжларини қондира олмаяпти.
Коворкинг маркази ижарачиларга замонавий тадбиркорларнинг талабларига жавоб берадиган вазифавий ва қулай иш жойларини, жумладан, алоҳида офислар ва мослашувчан коворкинг жойларини таклиф этади.

Муаллиф талаб ва таклифни ўрганиб чиқди, шартнома тузишга тайёр бўлган потенциал мижозларни аниқлади.

Лойиха учун керакли инвестиция миқдори: $266 000, шундан:

Номланиши	Сумма, $
Жой ижараси	10 000
Жойни таъмирлаш	150 000
Мебель сотиб олиш	70 000
Техникалар сотиб олиш	30 000
Иш хаки	2 600
Маркетинг	1 000
Бошка харажатлар	2 400
Жами	**266 000**

Йиллик даромадлар хакида маълумот

Номланиши	Уртача даромад ойига	Ойлар микдори	Сумма, $
Офислар ижараси	8 400	12	100 800
Коворкинг жойлар ижараси	17 300	12	207 600
Бошка жойлар ижараси	4 300	12	51 600
Бошка хизматлар	4 000	12	48 000
Жами			**408 000**

Йиллик харажатлар хакида маълумот

Номланиши	Сумма, $
Иш хаки	31 200
Жой ижараси	120 000
Маркетинг	12 000
Соликлар	21 000
Бошка харажатлар	20 400
Жами	**204 600**

- Йиллик даромад: $408 000
- Йиллик харажатлар: $204 600
- **Йиллик соф фойда**: $408 000 – $204 600 = **$203 400**

ROI = $\frac{\text{Сой фойда}}{\text{Инвестиция}}$ x Инвестор улуши x 100% = **61%**

Фойданинг тақсимланиши

Киритган сармояси тўлиқ қоплангунига қадар:

Инвестор – **80%** ва лойиҳа Муаллифи – **20%**

Инвесторнинг киритган сармояси тўлиқ қоплангач:

Инвестор – **50%** ва лойиҳа Муаллифи – **50%**